

АМБРОЗИЯ ХАВФЛИ КАРАНТИН БЕГОНА ЎТИ ҲАҚИДА

Jumamuratov Ulug'bek G'aniybay og'li

O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti
Qoraqalpog'iston Respublikasi filiali katta ilmiy xodimi.

Aymuratov Damir Alpisbay og'li

O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti
Qoraqalpog'iston Respublikasi filiali kichik ilmiy xodimi.

Aymuratova Diana Alpisbay qizi

O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti
Qoraqalpog'iston Respublikasi filiali laboranti.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13340480>

Аннотация. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликларида амброзия карантин бегона ўти ва унинг морфологияси, тарқалиши, зарари ҳамда қарши кураш баён этилган.

Калит сўзлар: амброзия карантин бегона, морфологияси, биологик хусусияти, тарқалиши ва унинг зарари.

AMBROSIA IS A DANGEROUS QUARANTINE WEED

Abstract. Ambrosia quarantine weed and its morphology, spread, damage and control are explained to farmers and farms growing agricultural products.

Key words: ambrosia quarantine alien, morphology, biological properties, distribution and its damage.

АМБРОЗИЯ – ОПАСНЫЙ КАРАНТИНОВЫЙ СОРНОК

Аннотация. Фермерам и хозяйствам, выращивающим сельскохозяйственную продукцию, разъясняется карантинный сорняк амброзия, его морфология, распространение, вред и меры борьбы.

Ключевые слова: амброзия карантинная чужеродная, морфология, биологические свойства, распространение и вредоносность.

ШУВОҚ БАРГЛИ АМБРОЗИЯ (AMBROSIA ARTEMISIFOLIA L.) Asteraceae оиласига мансуб бир йиллик карантин бегона ўт бўлиб, ташқи кўринишидан шувоқ баргига ўхшайди. Морфологик белгилари. Шувоқ баргли амброзия бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Унинг илдиз тизими ўқ илдизли бўлиб, тупроққа 4 м чуқурликкача кириб боради. Пояси тик ҳолатда тўғри ўсади, бўйи 20-200 см гача бўлади, юқориги қисми учбурчак кўринишида супургисимон шохлайди, кучсиз ёки кучли сиқилган дағал туклар билан қопланади. Барглари 4-15 см узунликда бўлади, устки томони тўқ яшил, деярли яланғоч, остки томони кулрангсимон яшил, куюқ дағал туклар билан қопланади.

Юқоридаги барглари навбатлашиб жойлашади, деярли бандсиз, патсимон бўлакли, пасткилари эса қарама - қарши, бандлилари икки қарра патсимон бўлакланган. Гуллари айрим жинсли чангчи гуллари сариқ, бешта тишли, диаметри 3-5 мм келадиган ярим шарсимон ёки кўнғирокчасимон саватчаларда тўпланади, гулбандининг узунлиги 2-3 мм келади. Саватчалари бошоқсимон тўпгулларда тўпланади. Уруғчи гуллари 1-3 ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда чангчи тўпгуллар асосида ва юқориги баргларнинг қўлтиғида жойлашади,

уларда гул ёнлиги бўлмайди, шакли тухумсимон, учки қисми сиқилган ва ўткирлашган, узунлиги 4-5 см келадиган ўсиб бирлашиб кетувчи ўрамалар ичида жойлашади.

Биологик хусусияти. Шувоқ баргли амброзия август-октябр ойларида гуллайди.

Мазкур карантин ўсимлик кеч кузгача ўсади. Битта ўсимликда ўртача қарийиб 1-25 минг донагача уруғ ҳосил бўлади. Кучли ривожланган туплари ҳатто 100 минг донагача уруғ бериши мумкин. Янги йиғиб олинган уруғлари деярли унмайди (уларда биологик тиним даври 5-6 ойни ташкил этади, иккиламчи тиним даври қарийиб 40 йилгача давом этиши мумкин). Майсалари тупроқнинг 8 см гача чуқурлигида жойлашган уруғлардан униб чиқади, шу ўринда таъкидлаш жоизки, уруғларнинг асосий катта қисми тупроқнинг ушбу қатламида (1-4 см) жойлашади. Ўсимликнинг ўсув даври 150-170 кун давом этади.

Дастлаб амброзия секин ўсади: баҳорда майсалар пайдо бўлгандан ғунчалаш фазасигача 100-120 кун ўтади, ғунчалашдан меваларининг пишишигача эса 50-60 кун талаб этилади.

Тарқалиш усули. Шувоқ баргли амброзия фақат уруғи билан тарқалади (дон захиралари, уруғлик донлар, дон қолдиқлари, шунингдек, транспорт воситаларига ёпишиб қолган тупроқ воситасида). Унинг уруғлари сузувчан бўлиб, суғориш, оқава ва ёмғир сувлари билан осон тарқалади.

Зарари. Шувоқ баргли амброзия карантин бегона ўт ҳисобланади. У деярли барча дала экинларини зарарлайди айниқса, сабзавот ва ҳайдалма экинлар орасида кучли тарқалади. Амброзия тупроқдаги озуқа моддаларни ўзлаштиришда маданий экинларга нисбатан кучли рақобат қилади ва ҳар қандай тупроқни юқори даражада кучсизланишга олиб келади. Олимларнинг тадқиқ қилишича, бир тонна курук модда ҳосил бўлиши учун шувоқ баргли амброзия тупроқдан 15,5 кг азот, 1,5 кг фосфор ва қарийиб 950 тонна сувни ўзлаштириши мумкин. Амброзия билан ифлосланган далаларда дехқончилик ишларининг сифати пасаяди (айниқса тупроққа асосий ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб олиш даврида).

Бундай далаларда етиштирилган буғдойнинг оқсил таркиби 0,5% га, шишасимонлиги эса 1% га пасаяди. Ўсимликларга етказадиган зараридан ташқари, амброзия инсонларнинг саломатлигига ҳам кучли хавф туғдиради. Унинг чанглари “поллиноз” деб аталувчи (инглизча pollen сўзидан олинган бўлиб “чанг” маъносини англатади) кўпгина аллергия касалликларни келтириб чиқаради.

Кураш чоралари. Агротехник кураш чоралари. Далаларни шувоқ баргли амброзиядан тозалашда қуйидаги агротехник чоралар муҳим аҳамият касб этади: алмашлаб экиш қоидаларига қатъий амал қилиш, тупроққа сифатли ишлов бериш, экинларни парваришlashда карантин ўсимликнинг қайта кўпайишига барҳам берувчи тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш (мунтазам чопик, бегона ўтларни йўқотиш).

Амброзия билан кучли зарарланган ерларда қора шудгор яхши натижа беради, бунда ишлов бериш тадбирлари тўғри бажарилганда амброзия билан ифлосланганлик 70- 80% га камаяди. Кучли ифлосланган далаларда икки йил узлуксиз кузги ғалладошларни етиштириш (ҳосили йиғиб олингач, ярим қора шудгор қилиш) ҳам яхши натижа беради.

Шувоқ баргли амброзиянинг уруғлашига барҳам бериш учун ғалладошлар йиғиб олинган захотиёқ анғизни кўпи билан 8-10 см чуқурликда юза ҳайдаш ёки ҳосил йиғиб олингандан сўнг тезда 25-30 см чуқурликда асосий шудгорлашни ўтказиш ниҳоятда

зарурдир. Бироқ унутмаслик лозимки, амброзия билан кучли ифлосланган далаларда чуқур ҳайдов ўтказиш тавсия этилмайди. Чунки чуқур ҳайдалганда амброзиянинг уруғлари тупрокнинг пастки қатламларига тушиб кетади ва бу ерда улар ҳаётчанлигини узоқ йиллар давомида сақлаб қолади.

Карантин чора тадбирлари. Шувок баргли амброзияга қарши карантин тадбирлари каторига уруғлик материалларни қатий назорат қилиш, алмашлаб экиш қоидаларига амал қилиш, бегона ўт тарқалган далалар иккинчи йил шудгор қилиб қолдирилиши керак. Шувок баргли амброзияга қарши умумлашган кураш чора тадбирлари билан биргаликда, кенг аҳоли оммаси орасида ҳам тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш, уларни ҳам шувок баргли амброзияга қарши кураш тадбирларига жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Карантин бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари А.Ш.Шералиев., Б.С.Насиров
2. КАРАНТИН БЕГОНА ЎТЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИ тавсиянома, О.А.СУЛАЙМОНОВ, Қ.БОБОБЕКОВ, Қ.А.МУРТАЗАЕВ, Ю.Х.БУРОНОВ, О.Ж.НОРМАТОВ, С.Б.ЎТАГАНОВ.
3. [https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%90%D0%BC%D0%B1%D1%80%D0%BE%D0%B7%D0%B8%D1%8F_\(%D1%80%D0%B0%D1%81%D1%82%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D0%B5\)#/media/%D0%A4%D0%B0%D0%B9%D0%BB%3AAmbrosia_trifida_\(inflorescences\).jpg](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%90%D0%BC%D0%B1%D1%80%D0%BE%D0%B7%D0%B8%D1%8F_(%D1%80%D0%B0%D1%81%D1%82%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D0%B5)#/media/%D0%A4%D0%B0%D0%B9%D0%BB%3AAmbrosia_trifida_(inflorescences).jpg)
4. <https://images.app.goo.gl/dPeFZfLJtTefiTfw6>